

Ғалаба муборак



Термиз тумани Болалар-ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиси Ўғилшод Давлатова Бокс бўйича Ўзбекистон чемпионатида шохсупанинг иккинчи қаватига кўтарилиб, кумуш медал соҳиби бўлди.

Жорий йилнинг 13-18 июнь кунлари Қашқадарё вилоятида спортнинг Бокс тури бўйича 2007-2008 йилларда туғилганлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатининг қизлар ўртасидаги бахсида мурасасиз жанглардан сўнг Ўғилшод Давлатова ушбу натижани қайд этди.

Спортчимизни ва унинг ота-онаси ҳамда мураббийларини эришилган натижа билан муборакбод этган ҳолда, кейинги мусобақаларда чемпионликни қўлга киритиб шохсупанинг биринчи қаторида бўлишни тилаб қоламиз.

Термиз туман ҳокимлиги
Ахборот хизмати